

УЎТ: 633.51+631.511

**ЎзПИТИ-2601 ҒЎЗА НАВИНИНГ АМАЛ ДАВРИДА ЎСИБ
РИВОЖЛАНИШИ, БАРГ САТҲИ ВА ҚУРУҚ МОДДА
ТЎПЛАШИ**

Бўриева Сурайё Зайлиевна.

Қаршии муҳандислик-иктисодиёт институти,

Мустақил тадқиқотчи

surayyobz@mail.ru

Абдурахманов Убайдулло Зулфиқорович

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириши агротехнологиялари

илемий-тадқиқот институти,

Кишилоч ҳўжалиги фанлари доктори

ubay8484@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада ўрта толали ЎзПИТИ-2601 навининг дефолиация агротадбирига қадар ўсиши, чин барг сони, ҳосил шохи, ҳосил элементи, очилган ва очилмаган кўсаклар сони, кўчамт қалинлиги каби фенологик кузатувларнинг натижалари, навнинг барг юзаси ва ўсимлик органларининг нам ва қуруқ огирилиги бўйича маълумотларнинг ўртacha уч ишллик кўрсаткичлари келтирилган.

Таҳлиллар ўсимликнинг ривожланиши барг юзаси ва ўсимликнинг нам ва қуруқ огиригининг ортиб боришини ва аксинча, ривожланиши ортган сари нам ва қуруқ огирилик нисбати камайиб борганигини кўрсатди.

Калим сўзлар: ЎзПИТИ-2601 гўза нави, дефолиантлар, дефолиация меъёрлар, ўртacha кунлик ҳарорат, мақбул муддат, барг сатҳи, қуруқ огирилик, самарали ҳароратлар ииғиндиси

Рост и развитие, площадь листовой поверхности и накопление сухой массы в период вегетации сорта хлопчатника "УзПИТИ-2601"

Аннотация: В данной статье представлены средние трехлетние данные фенологических наблюдений за средневолокнистым сортом

УзПИТИ-2601 до проведения дефолиации, включая рост, количество настоящих листьев, плодоносящие ветви, элементы плодоношения, естественно опавший урожай, количество раскрытых и нераскрытых коробочек, густоту стояния растений, а также информацию о площади листьев, сырой и сухой массе органов растения.

Анализ показал, что площадь листьев, а также сырая и сухая масса растения увеличиваются по мере его развития, в то время как соотношение сырой и сухой массы, наоборот, уменьшается по мере развития растения.

Ключевые слова: сорт хлопчатника УзПИТИ-2601, дефолианты, нормы дефолиации, среднесуточная температура, оптимальные сроки, площадь листьев, сухая масса, сумма эффективных температур

Growth and development, leaf area, and dry mass accumulation of the "UzPITI-2601" cotton variety during the growing season

Abstract: This article presents the average three-year data on phenological observations of the medium-fiber UzPITI-2601 variety up to the defoliation treatment, including growth, true leaf count, fruiting branches, fruiting elements, naturally shed yield, number of opened and unopened bolls, and plant density, as well as information on leaf area and fresh and dry weight of plant organs.

Analyses have shown that the leaf area and humid and dry weight of the plant increase with the development of the plant, while conversely, the ratio of humid to dry weight decreases as development progresses.

Keywords: UzPITI-2601 cotton variety, defoliants, defoliation rates, average daily temperature, optimal timing, leaf area, dry weight, sum of effective temperatures

Дунёда қишлоқ хўжалик экинларидан кутилган ҳосилни этиштиришда кимёвий воситалардан тўғри фойдаланиш ҳам бугунги кун дехқончилигининг асосий муаммоларидан биридир. Зоро, улардан тўғри фойдаланмаслик нафакат ҳосилдорликка, балки табиатга ҳам зарар келтириши барчага маълум. Шу сабабли жаҳон пахтачилигига кимёвий

воситаларни самарали ишлатишда табиий омилларни қўлланиладиган препаратларнинг турини, яъни кимёвий таркиби, таъсир этиш хусусияти, препаратнинг ўсимлик барг сатҳи юзасига шимилиши, сувнинг буғланиши каби физиологик жараёнларни эътиборга олган ҳолда улардан самарали фойдаланиш технологияларини ишлаб чиқишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ғўза экинини парваришлашда ундан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун ўтказиладиган агротехник тадбирлар, яъни ерни шудгорлашдан токи ҳосилини йиғишириб олгунга қадар ўтказиладиган тадбирлар: чигитга ўсимликка касаллик ва зааркунандаларга қарши кимёвий ишлов бериш, ўғитлаш, биостимуляторлар билан ишлов бериш, ташқи омилларга (жазира маъндишиш, гармсел ва қум-чангли шамоллар) қарши ҳар хил антистрессантларни қўллаш, бегона ўтларга қарши кимёвий препаратларни қўллаш, дефолиация тадбирларини ўтказиш ўсимлик ривожига ҳам ижобий ҳам салбий таъсир этади.

Шуларни инобатга олган ҳолда 2020-2022 йиллар мобайнида Қашқадарё вилояти, Касби туманида жойлашган ПСУЕАИТИ Қашқадарё ИТС тажриба майдонларида дала тажрибалари ўтказилди.

Тажрибаларда ҳаво ҳароратини инобатга олган ҳолда Байстар SC ва Фандеф-М дефолиантларининг мақбул меъёрлари ўрта толали ЎзПИТИ-2601 ғўза навида ўрганилди.

Илмий изланишлар ЎзПИТИ да қабул қилинган «Методика полевых опытов с хлопчатником», «Дефолиантларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар», «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» асосида олиб борилиб, олинган маълумотлар Б.А.Досспеховнинг «Методика полевого опыта» услуби бўйича математик-статистик таҳлил қилинди.

Ҳосилни йиғиб-териб олишдан олдин ўтказиладиган дефолиация факат баргларнинг тўкилишини таъминлаб қолмасдан, балки кўсакларнинг пишиб етилишини ва очилишини тезлаштиради, сифатли пахта толалари олишга имкон беради, кўсак ва толанинг чириб кетишидан сақлайди ва ғўза

касалликлари ҳамда зааркунандаларига қарши курашишни енгиллаштиради.

Ўсимликлар баргининг табиий тўкилиши маҳсус эндоген бирикма – этиленнинг кўп миқдорда тўпланиши билан боғлиқ бўлиб, аксинча ёш, ўсаётган баргларда ауксин миқдори бирмунча кўп ва этилен кам миқдорда бўлади. Барглар бандида ауксин миқдори камаяди, этиленни эса ортиб бориши натижасида баргларни табиий тўкилиб кетишига имкон яратилади.

Ауксинлар - ўсимликлар пояси ва илдизининг ўсаётган учки қисмида ҳосил бўлиб, уларнинг ўсишини активлаштирадиган, асосан индол табиатли бир гурӯх кимёвий моддадир.

Этилен - ўсимлик тўқимасининг ҳаёт фаолиятида ҳосил бўладиган табиий бирикма бўлиб, ўсимликнинг барча вегетатив органларига таъсир кўрсатиб, ўсимлик баргларини тўкилиши ва кўсаклар очилишида иштирок этадиган гармон ҳисобланади.

Ф.Тешаев, Ҳ.Абдураҳмонов, Д.Фофуровларнинг таъкидлашича, ғўза турли меъёрларда озиқлантирилганда уларда барг сатҳи ҳам турлича ҳосил бўлиб, дефолиантларни қўллашда ушбу омилга алоҳида эътибор бериш керак. Яъни, Тошкент вилояти шароитида Бухоро-102 ғўза нави камроқ меъёрда озиқлантирилиб, 20-22 минг m^2 барг сатҳига эга бўлганда дефолиантлар меъёри ҳам камроқ белгиланади, ўғитлар меъёри оширилиб, 25-30 минг m^2 барг сатҳи бўлганда дефолиантлар меъёри оширилиши керак.

Ш.Ж.Тешаевнинг таъкидлашича, дефолиантлар самарадорлигига дефолиация даврида ҳаво ҳароратининг ўзгариши катта таъсир этиб, дефолиациядан сўнг 5-6 кунда ҳаво ҳароратининг мўътадил ёки 20-25 $^{\circ}\text{C}$ атрофида бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Дефолиантлар қўлланилгандан кейинги дастлабки кунларида ҳароратнинг пасайиши дефолиация самарадорлигига салбий таъсир этиб, дефолиантлар самарадорлигини пасайтиради. Ҳаво ҳарорати пасайиб бориши билан дефолиантлар меъёрини ошириб бориш мақсадга мувофиқдир. Ғўза дефолиациясини тавсия этилган мақбул муддат ва меъёрларда қўллаб ўтказилганда тола ва чигит шаклланишига ижобий таъсир этиб, пахта толасининг технологик

хусусиятлари, чигитнинг уруғлик сифати ва майдорлик даражаси ошишини таъминлайди.

Тадқиқотлар ўтказилган йилларда танлаб олинган тажриба майдонида дефолиация ўтказилгунга қадар 5 та нуқтада 25 тадан ўсимлиқда ҳар ойнинг 1 санасида фенологик кузатувлар олиб борилди. 1 июн санасида: ўсимлик бўйи см да, чин барг сони донада, ҳосил элементлари донада, 1 июлда ўсимлик бўйи см да, ҳосил элементлари донада, 1 августда: ўсимлик бўйи см да, ҳосил элементлари донада, кўсаклар сони донада, 1 сентябрда: ўсимлик бўйи см да, ҳосил элементлари донада, кўсаклар сони донада, шундан очилгани донада ҳисобланди.

2020 йил мавсумнинг 1 июнда ўтказилган кузатувлар бу навнинг бўйи 22,5 см, чин барглар сони 8,1 дона ва ҳосил элементлари сони 1,5 донага тенглигини кўрсатди. Шу йилнинг 1 июляда ўтказилган фенологик кузатувлар эса, ўсимликнинг бўйи 56,8 см, ҳосил шохи 9,8 дона ва ҳосил элементлари 15,6 донага тенг бўлганлигини кўрсатди.

1 августда ўрта толали ЎзПИТИ-2601 гўза навида ўтказилган фенологик кузатувлар поя баландлиги 73,8 см ни, ҳосил шохи 14,6 донани, ҳосил элементлар сони 28,5 донани ва кўсаклар сони 4,5 донани ташкил этди. 1 сентябрда ўсимлик бўйи 95,8 см, бўлиқ кўсаклар сони 14,5 донага ва очилган кўсаклар миқдори 5,8 донага тенг бўлиб, очилган кўсаклар салмоғи 40,0 % ни ташкил қилди (1-жадвал).

1-жадвал

Ўрта толали ЎзПИТИ-2601 навининг ўсиши ва ривожланиши.

Кўрсаткичлар	Кузатув саналари	2020 йил	2021 йил	2022 йил
Ўсимлик бўйи, см	01.06	22,5	25,6	24,8
	01.07	56,8	61,5	60,9
	01.08.	73,8	75,1	74,9
	01.09	95,8	98,5	95,9
Чин барг сони, дона	01.06.	8,1	9,0	8,2
Ҳосил шохи, дона	01.06.	2,1	1,9	2,0
	01.07.	9,8	8,9	9,1
	01.08.	14,5	14,9	14,5

Хосил элементи, дона	01.06.	1,5	2,1	2,0
	01.07.	15,6	16,8	15,9
	01.08.	28,5	27,8	28,9
Табий тушган хосил, дона	01.08.	5,1	4,5	4,3
Кўсак сони, дона	01.08.	4,5	5,1	5,2
	01.09.	14,5	14,8	15,4
Шундан очилгани	дона	5,8	5,9	6,0
	%	40,0	39,9	39,0
Кўчат қалинлиги, минг/га	Дефолиация тадбиридан олдин	89,1	90,1	91,5

Тадқиқотларнинг 2021 ва 2022 йиллардаги кузатувларда ҳам шунга яқин маълумотлар олинди. Тажриба майдонида кўчат қалинлиги гектарига 89,1-91,5 минг ни ташкил этди.

Тажриба майдонида экилган ўрта толали ЎзПИТИ-2601 навининг барг юзаси ва ўсимлик органларининг нам ва қуруқ оғирлиги бўйича маълумотларнинг ўртacha уч йиллик кўрсаткичлари 2-жадвалда келтирилган.

Тажриба майдонидаги ғўза ўсимлигидан унинг ҳар бир ривожланиш фазаларида (3-4 чин барг, шоналаш, гуллаш, пишиш) 4 нуқтадан ҳар биридан уч ўсимликдан ва пишиш ва дефолиантларни сепиш олдидан 3 қайтарилиқда ҳар биридан уч ўсимликдан намуналар олиб таҳлил қилинди.

Ғўза ўсимлиги ривожланиш фазасининг 3-4 чин барг даврида олинган ўсимлик намуналарида барг юзаси $133,6 \text{ см}^2$ га, ўсимликнинг нам оғирлиги 6,7 г ва қуруқ оғирлиги 1,7 г га teng бўлди.

Ғўзанинг шоналаш даврида олинган ўсимликда барг юзаси $580,5 \text{ см}^2$ ни, ўсимликнинг нам оғирлиги 25,2 г ва қуруқ оғирлиги эса 5,5 г ни ташкил этди (2-жадвал).

Ғўза ўсимлигининг гуллаш даврида олинган ўсимликда барг юзаси $2895,0 \text{ см}^2$ ни, ўсимликнинг нам оғирлиги 146,3 г ва қуруқ оғирлиги эса 33,6 г га. Пишиш фазасида эса кўрсаткичларга мос равища $4135,6 \text{ см}^2$; 340,4 г ва 113,6 г га teng бўлди.

Ўсимлик хўл ва қуруқ оғирлиги (2020-2022 йиллар).

Кай-та-рик	Барг юзаси, см ²	Ўсимлик оғирлиги, г (нам ҳолида)					Ўсимлик оғирлиги, г (қуруқ ҳолида)				
		поя	барг	хос. эле м.	пахт а	уму м. оғир .	поя	барг	хос. элем .	пах та	умум оғир.
3-4 чин барг даврида											
ўрт	133,6	3,3	3,4			6,7	0,8	0,9			1,7
Шоналаш даврида											
ўрт	580,5	12,1	12,3	0,8		25,2	2,4	2,9	0,3		5,5
Гуллаш даврида											
ўрт	2895,0	68,0	57,9	20,4		146,3	14,6	14,8	4,2		33,6
Пишиш даврида											
ўрт	4135,6	86,9	97,9	139, 7	15,9	340,4	31,1	27,2	39,0	16,2	113,6
Дефолиация олдидан											
ўрт	4053,3	92,4	95,4	63,0	32,8	283,6	28,1	28,2	14,2	35,1	105,6

Жадвал маълумотларидан ўсимликнинг ривожланиши барг юзаси ва ўсимликнинг нам ва қуруқ оғирлигининг ортиб боришини ва аксинча, ривожланиш ортган сари нам ва қуруқ оғирлик нисбати камайиб борганлигини кўрсатди.



1-расм. Ўсимликнинг шоналаш даврида олинган намунанинг қуриган ҳолати.

Жадвал маълумотларини таҳлили ғўза ўсимлиги ривожланишида ҳар бир ривожланиш фазаларини ошиши билан ўсимликдаги барг юзасини ошиши унда бўладиган фотосинтез жараёнини тезлашишига ва пировард натижада унинг маҳсулдорлигини ошиши ҳисобига ўсимликни қуруқ қолдигини ошиши ҳам кузатилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Имомалиев А., Зикирёев А. Ўсимликлар биохимияси Тошкент-1987. 458 б.
2. Тешаев Ф., Абдураҳмонов Ҳ., Ғофуров Д. Дефолиантларни қўллашда нималарга эътибор бериш керак // Агро-илм. – Тошкент, 2009, №1 (9). – Б. 22-23.
3. Тешаев Ш. Ҳаво ҳароратининг дефолиация самарадорлигига таъсири. // Агро илм – Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. Нишона сони -1 (1), 2007. -Б. 12.
4. Бўриев Я., Барг сатҳи юзаси ўзгаришига турли агроомилларнинг таъсири // Агро илм.–Тошкент, 2013; №3. (27) – Б. 20.
5. С.З.Бўриева, У.З.Абдураҳманов. Қашқадарё воҳаси шароитида ҳаво ҳарорати ва ғўза дефолиацияси самарадорлиги. SCIENCE AND EDUCATION IN AGRICULTURE, February 2024. Volume 2, Issue 2. 110 ISSN: 3030-3222, 111-115.
6. .Buriyeva S.Z. Defoliants and their effect on the quality of fiber.//Evropean Journal of Agricultural and Rural Education (EJARE). Vol.3 No.11, November 2022. P.13-15